

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЗООТЕХНИЯ ФАКУЛТЕТИ

“ЗООТЕХНИЯ” КАФЕДРАСИ

Бакалавриат 5620600-«Зоотехния» (тармоқлар бўйича) йўналиши

**Битирув малакавий иши
кафедрада муҳокама қилинди
ва ҳимояга тавсия этилди
_____баённома
Кафедра мудири, доцент
_____Ғ.Амантурдиев
«_____» _____2014 й.**

**Ҳимояга рухсат берилди.
Зоотехния факултети
декани, доцент
_____У.Ш.Балласов
«_____» _____2014 й.**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Қизил чўл зотли бузоқларни ўсиш ва ривожланишини
таҳлили**

**Бажарди:
4-92 гуруҳ талабаси**

Б.С.Ураков

**Илмий раҳбар:
«Зоотехния кафедраси доценти**

Б.Ж.Носиров

**Такризчи:
“Ветеринария” кафедраси доценти**

Д.С.Вохидова

Тошкент -2014 й.

Мундарижа

Кириш.....	1
I.Адабиётлар шархи.....	4
1.1. Қизил чўл зоти.....	4-9
1.2 Хўжаликларда бузоқларни жадал ўстириш.....	10-13
1.3. Бузоқларнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнидаги асосий даврлар.....	13-15
2.Асосий қисм.....	16
2.1. Қизил чўл зотли бузоқларни озиклантириш ва сақлаш.....	16-18
2.2. Бузоқларни тирик вазни ва суткалик ўсиши.....	18-27
2.3. Бузоқ ва урғочи таначаларни тана ўлчамлари ва индекси.....	28-31
2.4. Бузоқ ва урғочи таналарни физиологик кўрсаткичлари.....	31-36
3. Соғлом бузоқ олиш учун қўйиладиган талабалар.....	36
3.1. Бузоқларни боқишда қўлланиладиган ветеринария профилактик тадбирлар.....	37-38
3.2.Молхоналардаги иқлим шароити.....	38-40
3.3.Сутчилик комплексларида подани тўлдириш учун қолдирилган ёш молларни ўстириш хусусиятлари.....	40-47
Хулоса.....	48
Амалий таклифлар.....	49
Фойдаланилган адабиётлар.....	50-51

Кириш

Ҳозирги даврда чорвачиликни ривожлантиришда генетик жиҳатдан маҳсулдорлиги юқори ва саноат технологиясига мослашган подани ташкил этишни тақозо этади. Республикамизда урчитилаётган зотларни ҳозирги замон технологиясига мослаштириш учун зот ичида селекция ишларини олиб бориш, замонавий янги зот ва типларни яратиш ҳамда жаҳондаги энг юқори маҳсулдорли зотлардан фойдаланиш зарурдир. Мамлакатимизда чорвачилик маҳсулдорларини ишлаб чиқаришда индустриал усулларни жорий этмоқдалар. Ушбу вазифани бажариш учун наслчилик ишларини яхшилаш, молларни насл сифати ва маҳсулдорлигини такомиллаштириш ҳамда саноат технологиясига мослаштириш тақозо этади. Молларни маҳсулот сифатини яхшилаш ва саноат асосида сут ишлаб чиқаришни яхшилаш бу соф зотли урчитиш йўли билан, ҳамда жаҳондаги энг яхши зотлардан фойдаланиб янги зот ва типларни яратиш йўли билан амалга оширилади.

Халқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлмиш чорвачилик кейинги даврларда фермер хўжаликларининг вужудга келиши муносабати билан йилдан йилга ривожланмоқда. Ҳукуматимиз раҳбарлари чорвачилики ривожлантиришга катта эътибор бермоқдалар. Айниқса юртбошимиз И.А.Каримовнинг “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-3342 сонли фармони (27 октябр, 2003 й.) “Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора –тадбирлари тўғрисида”ги 308 сонли қарори (23 март 2006 й.) ва бошқалар бунга яққол мисолдир.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқда маҳаллий зотларни сут маҳсулдорлигини ошириш учун Голштин, Голланд, Америка селекцияси ва Англер зотларидан фойдаланилмоқда. Чунки уларнинг маҳсулдорлиги юқори бўлиб, ҳозирги технология шароитига юқорида айтилган зотлар яхши мослашган.

Республикамиз раҳбарлари охириги вақтда халқ хўжалигини муҳим тармоғи бўлмиш чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда

ва бир қанча чорвачиликга оид тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Айниқса, юртбошимиз И.А.Каримов чиқарган фермерлар ҳақидаги фармойиши ва наслчилик инспекциясини ташкил этилиши фикримизнинг далилидир.

Маълумки, ҳарбир зотни қайси вилоятга районлаштириш аввало шу вилоятни табиий иқлим шароити ҳисобга олиниб районлаштирилаётган зот қайси иқлим шароитида яратилганлигига қараб районлаштирилади. Шунинг учун ҳам зотни мосланувчалик қобиляти шу шароитга мос келиши керак.

Кейинги даврларда кўпгина хўжаликларда бир қанча зот битта хўжаликда урчитилмоқда. Бу эса хўжаликда насличилик ишларини тўғри олиб боришга бироз тўсқинлик қилмоқда, қайсиким хўжаликда бир хил зот урчитилса шу зотни такомиллаштириш, унинг насл сифатини яхшилаш, зот ичида мақсадга мувофиқ юқори маҳсулдорли янги типларни яратиш бироз енгил бўлади.

Мамалакатимизда урчитилаётган зотларни ҳозирги замон технологиясига мослаштириш учун зот ичида селекция ишларини олиб бориш, зоналар бўйича янги зот ва типларини яратиш ҳамда жаҳондаги генетик жиҳатдан энг юқори маҳсулдорли зотлардан фойдаланиш зарурдир.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда чорвачилик янги этапга қадам қўйди. Яъни чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фермер хўжаликларни тоифасига қараб индустриал усуллари жорий этилмоқда. Бу вазифани бажариш учун молларни насл сифатини яхшилашни ҳамда саноат технологиясига мос моллар подасини яратишни тақозо этади. Бундай мақсадларга эришиш эса ҳайвонларни соф ҳолда урчитиш йўли билан ёки жаҳондаги энг яхши зотлардан фойдаланиб янги зот ва янги типларни яратиш йўли билан амалга ошириш мумкин. Ана шу мақсадда қайси зотни урчитиш мақсадга мувофиқлигини билиш ва қайси зот хўжаликка иқтисодий самара бериш мумкинлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Хўжаликда бир хилли зот урчитилса бузоқларини ўсиш ва ривожланишини, унда келадиган камчиликларни тезда ўрганиб бартараф этиш мумкин.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари” китобида Республикамиз инқирозга тушмаслиги учун нималарга эътибор беришлигини кўрсатиб бердилар.

Мамлакатимизда қорамолларни аҳолига ва фермер хўжаликларига кимошди савдолари, орқали сотиш, уларга мақсадли ва имтиёзли кредитлар бериш, ветеринария хизмати кўрсатишнинг сифати ва ҳажмини ошириш, озуқа билан таъминлаш бўйича самарали механизмлар яратилган.

I. Адабиётлар шархи

1.1. Қизил чўл зоти

Сут йўналишидаги қизил чўл зоти Украинанинг жанубий зоналарига жуда яхши мослашган, яъни жуда иссиқ ва қуруқ иқлим шароитига мослашган. Ана шунинг учун ҳам бу зот Украинадан ташқари Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистоннинг бир қанча жойларига ҳам кенг тарқалган.

Ўзбекистонда бош сони жиҳатидан 3нчи ўринни эгаллайди. Қизил чўл зоти 53 та МДХ ҳудудидаги вилоятларга тарқалган. Айниқса шимолий Кавказ, Краснодар, Ставрополь ўлкаси, шимолий Осетин, Чечено-Ингуш, кобардин-Балкар ва Доғистон республикаларида асосий зот сифатида урчитилади. Чет мамлакатлар Руминия, Болгария ва Туркия мамлакатларида ҳам урчитилади.

Қизил чўл зоти маҳаллий қорамол сифатида 1820-1850 йилларда шаклланган ва 1941 йилга қадар улар немис қизил моллари ёки колонистларнинг қизил моллари номи билан юритилган. Қизил чўл зотининг шаклланишида ҳар хил гипотезлар мавжуд. Лекин уларнинг барчасида Украинага Шарқий ,Пруссиядан немисларнинг кўчиб келиш пайтида ўзлари билан остфрисланд ва бошқа қизил молларнинг келтирилиши ҳамда Украинанинг маҳаллий кулранг, қизил тусли моллари билан чатиштирилганлиги билан тушунтирилади. Қизил чўл зотининг асосий яратилиш минтақаси Украинанинг Запорожие вилояти ҳисобланади. Кўчманчи немисларнинг Россияга оммавий келиши 1775 йилдан бошланган бўлса, Украинанинг жанубий минтақаларида уларнинг жойлашиши 1804-1810 йилларга тўғри келади.

Немис қизил моллари 1860 йилга келиб катта минтақага тарқалган сут йўналишдаги моллар гуруҳини ташкил қилган. 1880 йилдан бошлаб маҳаллий қизил чўл моллари чет эл маданий зотлари билан чатиштирилган. Улар қаторида голланд вилстермаш ва ангелн зотлари қатнашган. XIX асрнинг иккинчи ярмида қизил чўл молларининг маҳсулдорлигини ошириш ва тана тузилишни яхшилаш мақсадида қатор хўжаликларда ангелн,

вилстермаш, остфрисланд, шортгорн зотлари чатиштиришда фойдаланилган. Шундай қилиб, қизил чўл зотининг шаклланиши маҳаллий қизил ва кул ранг қорамоллар асосида бир қанча зотларнинг мураккаб яратувчилик чатиштириши усулида амалга оширилган. Қизил чўл зотини такомиллаштиришда сут маҳсулдорлиги бўйича олиб борилган саралаш ишлари ўзининг ҳал қилувчи таъсирини кўрсатган.

XIX асрнинг биринчи ярмида кўчманчи немислар қизил зотли молларни Украинадан Қримга, Шимолий Кавказга ва Кубанга олиб боришган. Кейинчалик орадан анча вақт ўтиши билан шу гуруҳдаги қорамоллар Ғарбий Сибир ва Ўрта Осиёга тарқалган. Қизил чўл зоти янги минтақаларга силжиши давомида соф ҳолда урчитилган ва маҳаллий қорамоллар билан чатиштирилган. 1923 йили қизил чўл зотининг наслчилик китоби ташкил қилинган. Наслчилик ишларининг узлуксиз олиб борилиши натижасида қизил чўл зотли сигирларнинг сони кўпайган ҳамда насл ва маҳсулдорлик хусусиятлари яхшиланган.


Қизил қорамоллар 1882 йили кўчманчи немислар томонидан биринчи бор Тошкент вилоятининг “Қоплонбек” хўжалигига олиб келинган. 1883 йили улар Хоразм воҳасига кўчиб, Янгиариқ туманининг “Оқ мачит” қишлоғига жойлашишган. Қизил тусли моллари соф ҳолда урчитилган. Буқалари маҳаллий молларни чатиштиришда фойдаланилган. Кейинги йилларда қизил чўл зоти Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган вилоятлари ва Қорақалпоғистон хўжаликлари учун районлаштирилиб, репродуктор хўжаликлари ташкил қилинган. Жумладан, Самарқанд вилоятида 8-“Жума” наслчилик хўжалиги, “Даҳбет”, “Самарқанд” ва ҳоказо. Ўзбекистонда ҳозир қизил чўл зотининг 20 дан ортиқ наслчилик фермалари ва хўжалиги мавжуд.

Қизил чўл зоти Туркманистонда районлаштирилган сут йўналишдаги асосий зотлардан бири ҳисобланади. Наслчилик базалари ташкил қилинган. Зотларни такомиллаштириш бўйича серлекция ишлари бир нечта наслчилик

ва товар хўжаликларида олиб борилмоқда. Маҳаллий қорамоллар билан чатиштириш асосида дурагай молларнинг маҳсулдор подалари яратилган.

Қизил чўл зотининг туси қизил, сигирларнинг баъзиларида тананинг корин қисмида оқ белгилари учрайди. Кўпчилик буқаларнинг танаси қизил, бўйни ва кўкрак қисми қорамтир қизил. Зот ичвдха тор ҳамда кенг танали мустаҳкам конституцияли сермаҳсул ва нисбатан юқори вазнли мол хиллари мавжуд. Сигирлар қуйидаги экстерер тана тузилиши билан характерланади. Бўйни ўртача баландликда (яғрин баландлиги 126-130 см), танаси чўзик (тананинг қия узунлиги 152-156 см), калласи енгил, ўртача катталиқда, кўкраги чуқур (66-68 см) ва кенг (37-42 см), елкаси, бели ва кет қисми кенг ва узун, думғаза қисми бировз кўтарилган, суяги енгил, елини яхши ривожланган косасимон шаклда, териси юпқа ва эластиксимон (20-расм). Янги туғилган бузоқларнинг тирик вазни 30- 35 кг, 6 ойлигида — 160-190 кг. Сигирларнинг вазни — 460-520 кг, буқаларнинг вазни — 800-900 кг. Айрим йирик буқалар — 1000- 1250 килограммгача етади.

Сигирларнинг сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари ўзгарувчан. Минтақалардаги табиий-иқлим, боқиш шароитлари ҳамда наслчилик ишининг самарасига боғлиқ бўлган сут маҳсулдорлик меъёри ҳар хил. Уларнинг ўртача сут соғими 3200-4000 килограммга тўғри келади. Ўзбекистондаги наслчилик фермаларида ҳар бир сигирдан 2800-3200 килограммдан сут соғиб олинган. Россия ва Украинанинг "Диктатура", Киров номли, "Қуйи Иртиш", «Шимолий Люблинск»



Қизил чўл зотли сигир

ва ҳоказо наслчилик заводларида сигирларнинг сут соғими 4500-5200 килограммни ташкил қилади. Сутнинг ёғлилиги 3,7-3,9 ва оқсил даражаси 3,3-3,6 фоиз. Яхши озиклантириш ва сақлаш шароитларида ёш сигирларнинг серсутлиги тез кўтарилади. Биринчи ва иккинчи туғишдаёқ 10 минг килограммгача сут беради. Сермахсул сигирларнинг маҳсулдорлиги ундан ҳам ошади. Жумладан, "Морошко" лақабли сигир учинчи лактациясида 300 кунлик соғим давомида 12426 килограмм сут берган. Маҳсулдор сигирлар ҳастчанлик билан ажралиб туради. Ҳаёти даврида берган сути 60-80 минг килограммни ташкил қилади.

Ўзбекистонда қизил чўл зотининг асосий наслчилик базаси Хоразм вилоятида яратилган. У ерда ҳозир 18 та наслчилик фермаси ва битта наслчилик хўжалиги мавжуд. Маҳтумкули номли хўжаликнинг наслчилик фермасида қизил чўл зотли сигирларнинг ўртача сут соғими 3253 килограммга ва унинг ёғлилик даражаси 3,83 фоизга тенг. Подада 4500-4800 килограмм сут берадиган сигирлар парвариш килинмоқда. Хоразм вилоят хўжаликлари бўйича қизил зотли сигирлари 1993 йили ўртача 2795 килограммдан сут берганлар ва ёғлилик даражаси 3,8 фоизга тўғри келган. Қизил чўл зотли молларнинг гўшт маҳсулдорлиги қониқарли даражада. Жадал боқилган новвосларнинг ўртача кунлик ўсиши 800-900 граммга тенг. Сўйим чиқими 54-55 фоиз. Хоразм вилояти хўжаликларида юқори меъёردа

боқилган қизия чўл зотли новвосларнинг тирик вазни 23 ойлигида 538 килограммга етган.ва сўйим чиқими 57,5 фоизни таъкил қилган.

Қизил чўл зотли молларнинг гўшт маҳсулдорлигини оширишда ҳамда уларнинг сут-гўштдор йўналишидаги хилини яратиш мақсадида шортгорн зотидан фойдаланилмоқда. Бир маротаба қон қуйиш услубида дурагай моллар олиниб, уларнинг гўшт маҳсулдорлиги яхшиланган гуруҳлари шакллантирилмоқда. Қизил чўл зоти тарқалган барча минтақаларда зотни такомиллаштириш бўйича селекция ишлари олиб бориляпти. Наслчилик заводлари ва хўжаликларида бир қанча буқа тизимлари ва қариндош гуруҳлари яратилган. Жумладан, «Премьер Н-357»; «Бенц Удалой Н-463», «Молодец Н-137», «Барс Н-173», «Рибак ЗАН-39», «Визит КГН-26», «Андалуз ОНН-324» ва ҳоказо буқа тизимлари. Ўзбекистонда сунъий уруғлантиришда кенг миқёсда ишлатилиши буқаларнинг келиб чиқиши юқорида келтирилган «Премьер Н-357», «Бенц-Удалой Н-463» ва бошқа буқа тизимига боғланган. Қизил чўл зотли молларни соф ҳолда урчитиш билан бир қаторда англери ва дания қизил зотларининг қони қуйилмоқда. Ўзбекистонда бундай услубий ва тадбирийд селекцион ишлари 1985 йилдан бери олиб боришмоқда. Жумладан, Хоразм вилояти хўжаликларида 1987-1999 йилларда англери зотига мансуб бўлган «Трайпс 651», «Тетс 637», «Максис 6614», «Сомс 18», «Аморе 433», Тарас 418» лақабли буқаларнинг уруғидан фойдаланилган. Бу буқалар «Фрем 17291» ва «Заме 19874» буқа тизимларига мансуб. Б.А.Абдалниязовнинг маълумотига кўра, биринчи авлод англери зотли дурагайларнинг тирик вазни қизил чўл зоти тенгдошларига нисбатан 5-8 фойзга юқори. Катта ёшдаги сигирларнинг сут соғими англери зотли дурагайларда 3790 килограмм ва уларнинг тенгдошлари қизил чўл зотларда 3254 килограммга тўғри келган ёки 536 килограммга (16,5 фоизга) кўпайган. Ҳозирги вақтда қизил чўл зоти устида олиб борилаётган наслчилик ишларининг мақсади мустаҳкам тана тузилишли юқори маҳсулдор, елинлари яхши ривожланган сермаҳсул моллар подаларини яратишдан иборатдир.

1.2 Хўжаликларда бузоқларни жадал ўстириш

Кейинги йилларда бизнинг мамлакатимизда ва чет элларда ҳам қорамол гўшти фермерлар хўжалигида ишлаб чиқариш кенг тарқалмоқда. Бунинг учун бузоқларни ўстиришда турли хил технологиялардан фойдаланилмоқда. Аввалги даврларда қорамол гўштини ишлаб чиқариш саноати асосида бўлсин деб кўпгина илмий ишлар қилинган ва анча ютуқларга ҳам эришилган.

Олимларнинг маълумотича гўшт ишлаб чиқарадиган ихтисослашган хўжаликларда ишлаб чиқариш технологияси хусусиятларига кўра 4 та гуруҳга бўлинади.

1. Ёпиқ типдаги молхоналар бунда 10–13 кунлик бузоқларни жадал бўрдоқига боқиб 13–14 ойгача боқилади.

2. Махсус хўжаликларда ёпиқ типда бузоқларни ўстириш ва бурдоқига боқиш.

3. Махсус хўжаликларда ёпиқ типда бурдоқига боқишни кучайтириш йўли билан. Бундай типда бурдоқига боқиш кўпинча жом ва бардадан фойдаланишлари юқори маҳсулдор мол ўстириш ҳамда унинг маҳсулдорлик сифатларини ошириш учун молнинг ўсиш ва ривожланишдаги қонуниятларни ўстирилаётган бузоқларнинг келгусидаги маҳсулдорлигига боғлиқ бўладиган омилларни билиш, уларни ҳисбога олиш зарурдир. Келиб чиқиш жиҳатидан бир хил бузоқларни ўстиришда у ёки бу усулни қўллаб маҳсулдорлиги бир–биридан фарқ қиладиган сигирларни ўстириш мумкин. Бироқ молларнинг индивидуал ривожланиши қонуниятларини, шунингдек уларнинг қимматли маҳсулот сифатларига бевосита таъсир қиладиган ташқи муҳит омилларни билмай туриб бунга эришиб бўлмайди.

Маълумки организмнинг индивидуал ривожланиши тухум хужайрасининг уруғланишидан ҳамда зиготи ҳосил бўлишидан эътиборан бошланади ва у ирсий белгилар ҳамда ташқи муҳит таъсирида организмнинг

бутун ҳаёти мобайнида давом этади. Шунинг учун ҳам ҳайвонларга қулай ташқи муҳит шароити вужудга келтирилгандагина ишлаб чиқаришнинг ҳозирги шароитига мос келадиган ва маҳсулдорлиги манзур бўладиган молларни ўстириш мумкин.

Индивидуал ривожланиш ўз таркибига 2 жараёни ўсиш (микдорий) ва ривожланиш (сифатли)ни олади.

Ўсишнинг энг муҳим элементи унинг тузилишидир. У ҳужайра бўлинишининг активлигига ҳамда ҳужайралар массаси кўпайишига ва ниҳоят ирсиятга ҳамда организмнинг ҳаёт шароитига боғлиқдир.

Ривожланиш ҳам ўсиш сингари организмнинг индивидуал ривожланишини намоён қилади ва турли системалар ва аъзолар фаолияти туфайли ўзига хос функцияларда ифодаланади.

Организмнинг ривожланиши жараёни, генотип билан белгиланадиган даврларнинг мунтазамлиги ва давомийлиги ҳам ташқи шароитларга боғлиқдир. Уларнинг ўзгариши даврларини тезлаштириши ёки сусайтириши мумкин.

Организм аъзолари ва функцияларнинг мураккаб, лекин мувофиқлашган системасидан иборат.

Т.Х.Икрамов Ўзбекистоннинг иссиқ иқлими шароитида боқилаётган қора—ола зот молларнинг ҳомилаларида сут безининг эмбрионал ривожланишини ўрганди ва шундай хулосага келдики, қора—ола зот молларнинг ҳомилаларида сут безининг эпителиал бошланғичининг абақаланиши ҳомиланинг 4 ойлигида, елин фолликулоларининг, жун бошланғичи эса она қорнида ривожланишининг 2,5 ойлигини охири ва 3 ойлиги бошида пайдо бўлади.

Гўшт ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги иқтисодий томондан асосланган рационал технологияга боғлиқ.

Россияда 164 та йирик гўшт ишлаб чиқарадиган комплекслар ишлаб турибди. Уларда суткалик ўсиш 700–800 граммни тақил этмоқда. 1 ц. гўшт ишлаб чиқаришга 8,5–9,0 ц. Озуқа бирлиги ва 8–9 киши/соат кун

сарфланмоқда ва 1 ц. Маҳсулотнинг таннари 108–177 сўмни ташкил этмоқда.

Востриков Н.И., Бельков (1980) маълумотича бузоқларни бурдоқига боқиш енгил типдаги хоналарда боқилса гўштнинг таннари пасаяди. Маълумки хонани микроклиматига об-ҳаво шароити катта таъсир кўрсатади. Масалан, тажриба учун ёғочдан қилинган (I) ва ғиштан қилинган (II) енгил типдаги хоналарда бузоқлар ўстирилди. Ҳар бир хонада 450 бошдан бузоқ бўлган. Мана шу 2 хонадаги бузоқларни барча кўрсаткичлари (III) 1250 бошга мўлжалланган йирик комплекс рақамларига таққосланди. Шундан ёғочдан қилинган хонада ўстирилаётган бузоқлар 1ц. ўсишга 164,3 рубл ғиштан қилинган хонадаги бузоқларга 163,9 рубл ва йирик комплексда ўстирилган бузоқларга 161,9 рубл сарфланган. Рентабеллик даражаси эса 36,6; 37,8; 34,2% га бўлган.

Бузоқларни суткалик ўсиш даражасини ошириш фақат турли хил даражасини ошириш фақат турли хил технологиялардан фойдаланиш эмас, балки турли зотлар билан чатиштириш натижасида ҳам бўлиши мумкин.

Н.Нарзуллаев (1977) маълумотича дурагай эркак бузоқлар (қора–ола Х.Шароле) 15 ойлигида тирик вазни 446 кг бўлган.

Бошқа дурагай эркак (Қора–ола Х.Лимузин) мана шу ойлигида тирик вазни 436 кг бўлган. Қайсиким шу ёшдаги соф зотли қора–ола зотли эркак бузоқлар вазни 393 кг бўлган. Демак уларнинг фикрича қора–ола молларнинг гўшт йўналишидаги буқалар билан саноат усулида чатиштириш яхши натижалар беради.

Қорамолларни боқиш технологияларини анализ қилинганда маҳсудорлик йилнинг мавсумига ҳам боғлиқлиги аниқланган. Кузда ва қишда ўртача суткалик ўсиш ёзга ва баҳорга нисбатан 19% кам. 1 кг ўсишига эса озиқа сарфи 20–30% кўп. Уларнинг ҳисоблашича бузоқларни боқишни самарадорлиги ҳар хил типдаги майдончаларда боқишга ҳам боғлиқ. Очик майдончаларда боққанда суткасига 870 граммдан ўсишга эришилади.

Жадал равишда ўстирилган таналарда жинсий етилиш тез бошланади, уларда гавда тузилишини индексларининг кўрсаткичлари жуда юқори бўлади.

(Ш.Акмальханов, М.Аширов, 1986й., К.Мадаминов, 1988й.)

1.3. Бузоқларнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнидаги асосий даврлар

Маълумки барча ҳайвонлар туғилишига қадар ва туғилгандан сўнги даврни босиб ўтади. Туғилгандан кейинги давр энг муҳими ҳисобланиб куйидаги босқичларда бўлади.

1. Янги туғилганлик даври (10 кун). Бу даврда ёш бузоқ фақат увуз сути ичади. Ҳали ташқи муҳит қаршиликларига унча бардош бера олмайди. Кўплаб органлар системаси (овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, тана ҳароратини бошқариш ва ҳоказо) ҳали яхши тараққий этмаган бўлади. Терилари юпка, нозик ва бўш бўлгани учун турли механик жароҳатланишлар ва шамолланиш кабилар бўлиб туради. Бу даврда ёш организм ташқи муҳит билан мослаша бошлайди. Турли орган ва тўқималар чиниқа бошлайди.

2. Сут эмиш даври (6 ой). Бу даврда ҳар бир бузоқ 250–300 кг ёғи олинмаган сут ва 400–500 кг ёғи олинган сут (обрат) ичиши керак. Бу даврда бузоқ организми анча ўсиб ривожланади. Ташқи муҳитга мослашади, тўқималар такомиллашади. аста–секин ўсимликларни истеъмол қилишга ва ўзлаштиришга ўрганади. Шу билан бирга уларда жинсий организмлар системаси ривожлана боради. Ҳамда ҳаракат органлар системаси (тери, мускулатура ва суяклар)нинг тараққий этиш жадаллашади. Бу даврда эркак ва урғочилари бир–биридан ажратилади. Чунки улар оталаниш ва оталантириш қобилиятига эга бўлади. Лекин физиологик етилмаган бўлади.

3. Жинсий балоғатга етиш даври. Бу давр 18 ойлигигача бўлади. Бунда организмнинг озиқ моддаларни истеъмол қилиш кўпаяди, организм етилади ва урчитиш учун тайёр бўлади. Агар урғочилари онасининг тирик

вазнини 70% ни ташкил этса қочиришга қўйилади ва аксинча. Бу даврда улар физиологик етилган ҳисобланади.

4. Маҳсулот бериш даври (10 ёшгача). Бу даврда тўлиқ маҳсулот беради.

5. Қарилик даври (10 ёшдан кейин). Бунда организми ўсиши ва ривожланиши тўхтади. Лекин маҳсулот бериш, кўпайтириш ва физиологик жараёнлар анчагина сусайган бўлсада давом этаверади.

Профессор Б.Д.Пшеничныйнинг таърифига кўра бузоқлар ҳаётининг биринчи ва иккинчи босқичларида асосий найсимон суяклари ривожланади ва улар, асосан юқорига қараб ўсади. (бўйи узунлашади), иккинчи даврда ва учинчи даврда калта ва ясси суяклар ўсиши жадал бўлади. Уларнинг гавдаси катталашади ва ўсади. Ички организмлари ривожланиб боради.

Кузатишлардан маълум бўлишича организмнинг ўсиш ва ривожланиши ҳаётнинг турли давларида турлича бўлар экан. Масалан қорамолларда туғилишига қадар тури, суяк, мускулатура, юрак, ичак ва ошқозон жадал билан ўсиб туғилиш билан уларда ҳаракатланиш хусусияти мавжуд бўлади. Бузоқларнинг вазнини ортиши ҳам текисда бўлмайди. Улар туғилгандан сўнг бир ой мобайнида ўсиш тезлиги, айниқса гавда узунлиги ва энига қараб жадал бўлади, сўнгра қисман сусая боради. Бузоқлар вазнини ортиши, мукул тўқималарининг жадал ўсиши ва ривожланиши натижасида юз берар экан. Бу хусусият ёш қорамоллар организмида ёғ моддаларининг тобора кўпайиши ҳисобига юзага келади. Сигирлар бўғозлик даврида озиқ модда билан тўлиқ таъминламаслиги натижасида улардан нимжон ва каалманд ҳамда кичик бузоқлар олинади. Бундай бузоқлар арриқ ва нозик бўлади. Бузоқларнинг она қорнида сушт ривожланиши эмбрионализм дейилади. Бу бузоқларнинг туғилгандан сўнг тирик вазни сушт бўлиши ва ўсишдан қолиши инфантилизм дейилади.

Бузоқлар туғилгандан то 3 ойгача ҳар 1 кг ўсиши учун 3–4 кг озиқа бирлиги сарфланса 6 ойлигида 3,5–4 кг озиқа бирлиги, 12–18 ойлигида 8–10 кг озиқа бирлиги сарфланади. Ҳайвон танасининг кимёвий ва биокимёвий

таркиби ундаги моддаларнинг нисбий салмоғи фақатгина уларнинг ёши, жинси ва зотигагина эмас, балки физиологик ҳолатига, ариқ–семизлигига ва умуман индивидуал хусусиятига ҳам боғлиқ.

Ёш бузоқларнинг танасида ёғ миқдорининг нисбатан кам бўлишига карамай, у организмда муҳим вазифа–энергия манбаи вазифасини бажаради.

Бузоқларнинг ўсиш ва ривожланиши бир қанча омиллар билан боғлиқ ҳолда боради. Айниқса уларнинг жинси, наслий хусусияти, зоти ва турли хил ташқи муҳит таъсуротлари муҳим ўрин тутди.

Озиқлантириш. Унинг тўйимлиги, ёруғлик , моқлон асраш ва сақаш ва бошқа зоогигиеник шарт–шароитлар шулар жумласидандир. Агарда бузоқлар ёшлигидан кўпроқ сут ва ем хашаклар билан таъминланиб борилса, уларда гўштдорлик хусусиятлари яхши ифодаланади, мускуллар тез ривожланади, тез етилувчан бўлади. Агарда бузоқлар ёшигидан кўпроқ дағал ва серсув озиқлар билан боқилса уларнинг ичаклари узун, қорни катта, ошқозони турли хилдаги дағал озиқларни яхши ва тез ҳазм қилади.

2.Асосий қисм.

2.1. Қизил чўл зотли бузоқларни озиқлантириш ва сақлаш.

Амалиётда бузоқларни ўстирганда турли хил технологиялардан фойдаланилади. Яъни очик ёки ёпиқ хоналарда асраш, боғлаб ёки боғламасдан боқилиши мумкин. Хўжалигимиз мутахассисларига ва раҳбарлигига буусуллар ёки технологиялар маълум бўлсада оддий зоотехникавий талабларга жиддий қарамаслиги бизни ташвишга солишади. Маълумки урғочи бузоқларни яхши парвариш қилсак келгусида хўжаликда подани юкори маҳсулдорли сигирлар билан тўлдирган бўламиз. Афсуски ҳақиқатда бузоқларга қараш, уларни озиқлантириш, сақлаш шароити иккинчи даражага тушиб қолган. Натижада уларни биринчи марта қочириш ёшини 6–8 ойга чўзиб юбормоқдамиз. Чунки ўз вақтида зот учун стандарт талабидаги вазни ололмайди ёки онасининг тирик вазнини 70%ини ташкил қила олмайди. Бузоқларга нукул соғин сигирлардан қолган хушхурт озиқаларни беришади.

Натижада бузоқларни турли хил касаликларга муфтало бўлишига ёки уларни ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бузоқхоналардаги микроклим ҳам уларни ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир этади.

Бузоқларни ўстиришда энг асосий омиллар бу озиқлантириш типи ва меъёридир.

Н.П.Чирвинский олимнинг аниқланишича озиқалар скелетни ўсишига таъсир этади. Унинг ёзишича ёмон озиқлантириш скелетни ўсишига кучли салбий таъсир этаркан. Шунинг учун унинг бу таълимоти зоотехника фанига Чирвинский қонуни деб киритилган. Унинг фикрича озиқлантириш организмни тезроқ етилишига, орган ва тўқималарни тезроқ таркиб топишига таъсир қилиб скелетни ўсишни 1,5–2 мартабага оширади.

Бузоқларни жадал равишда озиқлантириш, улардаги экстерьердаги камчиликларини тезроқ тузалишига олиб келади.

Бузоқларга сарфланган озиқа миқдори қуйидаги жадвалда келтирилган.

Бузоқларга сарфланган озуқа миқдори, кг (1 бошга)
(И.Хофизов маълумоти)

Озиқа турлари	Қизил чўл зоти
Ёғи олинмаган сут	262
Беда пичани	1557
Маккажўхори силоси	3721
Омихта ем	564
Кўк масса	2886
Буғдой сомони	414
Озиқа таркибидаги сақланадиган озиқа бирлиги	2774,1
1 кг ўсиши учун сарфланган озиқа миқдори, озиқа бирлиги ҳисобида	9,57

Бутун кузатиш мобайнида ўртача озиқа турига қараб рацион структураси қуйидагича бўлди. Яъни ёғи олинмаган сут 3,2%; дағал озиқалар 31,6%, ширали озиқалар 26,8%, омихта ем 20,7% ва серсув озиқалар 17,7% бўлди. Бузоқлар туғилганидан то 18 ойигача ҳар бирига қизил чўл зотлиларда 2774,1 кг озиқа бирлиги сарфланди.

1 кг ўсиши учун қизил чўл зотли бузоқларга 9,57 кг озиқа бирлигида озуқа сарфланган.

Ушбу кўрсаткич зоотехника талабларига тўғри келади ва шундан далолат берадики, бузоқларни ёшлик давридан рацион асосида боқилган ва рацион структурасига ҳам тўлиқ эътибор берганлигидир. Бузоқларни тўлиқ ўсиши ва ривожланиши сигирларни айниқса сутдан чиққан даврида қандай шароитда боқилиб, қандай озиқлантиришга ҳам боғлиқдир. Агарда сутдан чиққан сигирлар тўйимли, оқсилга бой озуқалар билан озиқлантирилмаса, туғилган бузоқ нимжон, турли хил касалликларга чалинувчан, суяклари мурт

бўлиб туғилади ва туғилгандан кейинги даврларида эса ўсиш ва ривожланиши жуда паст кўрсаткичда бўлади.

2.2. Бузоқларни тирик вазни ва суткалик ўсиши

Тирик вазни – бу организмни бутун ўсиш кўрсаткичи бўлиб ўсаётган хайвонни тана тўқималарини характерлайди. Умумий вазн ёки ўртача суткалик ўсиш хайвонларни маълум бир вақтда жадл ўсганлиги ёки тез ўсганлиги ҳақида тушунча беради. Тирик вазини ёши бўйича ўзгариши характерли хусусиятдир ва зотни хўжалик белгисини сифат кўрсаткичидир. Лекин бу хусусиятлар ирсиятга ҳамда бошқа ташқи омилларга боғлиқдир.

Маълумки мамлакатимиз ва чет эл мамлакатлари олимларини таъкидлашича бузоқларни ўсиш ва ривожланишига, уни маҳсулдорлигига уларни озиқлантириш ва асраш шароитлари катта таъсир кўрсатади.

Бузоқларни ёши бўйича тирик вазини ўзгариши қуйидаги жадвалда ва 1нчи тасвир келтирилган.


Жадвал 2

**Бузоқларни ёши бўйича тирик вазини ўзгариши, кг
(И.Ҳофизов маълумоти)**

Ёши, ой ҳисобида	Қизил чўл зоти, М±т	С
Туғилганда	30,8±0,37	2,44
3–ойликда	90,2±2,14	3,57
6–ойликда	153,3±2,65	7,17
9–ойликда	202,7±3,11	6,05
12–ойликда	250,1±3,48	6,21
15–ойликда	294,4±3,74	5,24
18–ойликда	322,4±4,17	5,67

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бузоқларнинг тирик вазни ёшани ортиши билан ошиб борган. Қизил чўл зотли бузоқлар туғилганда тирик вазни 30,8 кг бўлиб туғилган. Ёшани ортиши билан тирик вазни ҳам ошиб борган. Ушбу зотнинг тирик вазни бўйича зот андозаси талабларига тўлиқ жавоб беради. Тирик вазнини юқори бўлишида биринчи навбатда рациондаги озукаларнинг тўйимлигини юқори бўлиши ва рацион структурасининг тўғри тўлдирилиши ҳисобланади. Агарда бузоқларни ёшлик давридан тўйимли озукалар билан озиқлантирилмаса унда турли хил камчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Ушбу зотдаги баъзи бир камчиликларни тузатиш бўйича чорвачилик илмий тадқиқот институти олимлари илмий иш олиб бормоқдалар.


Бузоқларни тирик вазнини мутлоқ кўрсаткичларидан ҳисобланиб суткалик ўсиш ҳисобланади. Тез етилувчан молларда бир хил озиқлантириб бир хил шароитда боқилганда ҳам маҳсулот бирлигига сарфланган тўйимли моддалар кам бўлади. Бу эса хўжалик ва физиологик томондан тез етилади демакдир. Қизил чўл зотли бузоқларни ёши бўйича ўртача суткалик ўсиши ва мутлоқ ўсиши қуйидаги жадвал ва тасвирда келтирилган.



Тасвир1. Ёши бўйича тирик вазнини ўзгариши

Бузоқларни мутлоқ ва суткалик ўсиши

Ўши, ой ҳисобида	Қизил чўл зоти	
	Мутлоқ ўсиш, кг	Суткалик ўсиш, кг
0–3	59,4	656
3–6	63,1	701
6–9	49,4	549
9–12	47,4	526
12–15	44,3	492
15–18	28,0	311
0–18	291,6	533



Тасвир 2. Бузоқларни ўртача суткалик ўсиши

Ҳайвонларни тирик вазнида мутлоқ ўсишни кам ёки кўп бўлишда маълум бир даврда суткалик ўсишнинг ўзгариши муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳайвоннинг ўсиш тезлиги организмга қабул қилинган тўйимли моддаларнинг қандай ҳазм бўлганлигига ва 1 кг ўсишга қанча миқдорда озуқалар сарфланаётганлигига боғлиқ бўлиб, етилиб келаётган молнинг физиологик етилувчанлигини белгиловчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Ҳайвоннинг тирик вазини оширишда суткалик ўсиш ҳам ҳайвон ёши бўйича ҳар хил бўлади. Суткалик ўсиш миқдори йил фаслига, туғилган бузоқларнинг тирик вазнига, бузоқларни онасининг ёшига ва унинг тирик вазнига боғлиқдир. Лекин шуларнинг орасида энг асосий сабаб бузоқларни тўлиқ қийматли озуқалар билан озиқлантириш, сақлаш шароити, боқиш технологияси ва ҳоказоларга боғлиқ ҳисобланади. Агарда бузоқларни ўстиришда фасллар алмашинишига қараб рацион тўғри тузилмаса ва рацион структурасига амал қилинмаса ҳам бузоқларнинг суткалик ўсиши турлича яъни гоҳ кўтарилиб, гоҳ пастга тушиб кетса уларни физиологик етилишига салбий таъсир кўрсатади ва натижада орган ва тўқималарнинг бир меъёردа ривожланиши бузилади. Бузоқларни суткалик ўсишини бир меъёрдa таъминлашда декадада улар рационини қайта кўриб чиқиши, уларга ажратиладиган майдон миқдори ва шунга ўхшаш кўрсаткичларга тўлиқ риоя қилишни талаб этади. Ана шундай зоотехникавий талабларга риоя қилган тақдирдагина бузоқларнинг ўсиш ва ривожланиш ритмини аниқ меъёрдa олиб бориш мумкин экан.

Ушбу жадвал ва тасвирдан кўриниб турибдики бузоқларни суткалик ўсиши бир текисда бўлмаган. Бу албатта рационда тўйимли озуқаларнинг бир текисда бўлмаслигидир. Суткалик ўсишнинг энг юқори кўрсаткичи 6 ойлигида бўлган ва ушбу кўрсаткич Қизил чўл зотида 701 граммни ташкил этган. Шундан сўнг ёшини ортиб бориши билан суткалик ўсиш пасайиб борган.

Туғилгандан то 18 ойгача ўртача суткалик ўсиш Қизил чўл зотли бузоқларда 565 граммни ташкил этган. Агарда суткалик ўсишни ойлар

бўйича анализ қилинса қуйидагича бўлган. Яъни 3 ойгача Қизил чўл зотли бузоқларда 656 грамм бўлган.

3 ойдан 6 ойгача 701;

6 ойдан 9 ойгача 549;

9 ойдан 12 ойгача 526;

12 ойдан 15 ойгача 492;

15 ойдан 18 ойгача 311 грамм бўлди.

Бузоқларни ўсиш тезлигини аниқлаш учун унинг нисбий ўсишини билиш лозим. Нисбий ўсиш ўсишнинг тезлиги ва қувватини белгилайди. Нисбий ўсиш қуйидаги формулада топилади.

$$A = \frac{W_2 - W_1}{(W_2 + W_1) : 2} \cdot 100 =$$

Бунда А- нисбий ўсиш

W2- кейинги тирик вазни

W1- олдинги тирик вазни

2- ўзгармас коэффициенти

Нисбий ўсиш кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвал 4

Бузоқларни нисбий ўсиши, %

Ёши, ой ҳисобида	Қизил чўл зоти
0–3	98,2
3–6	57,8
6–9	27,7
9–12	20,9
12–15	16,3
15–18	9,1
0–18	165,1

Кузатувдаги молларни ўсиш тезлигини ёшининг ортиб бориши билан пасайиб бориши ҳайвонлар организмда ўсиш жараёни билан организм

дифференциясининг қарама-қаршилигидир. Буларни шундай бўлишлигини И.Шмалгаузен 1938; К.Б.Свечин, 1956 й. Ўзларининг илмий-тадқиқот ишларида батафсил исботлаб берган. Хайвон ёш пайтида организмни тез ўсиши дифференциясининг унчалик бўлмаслигидир ва хайвон ёшининг ортиши билан дифференциянинг ўсиб бориши натижасидандир. Шунинг учун хайвонларнинг ўсишини барча ёшида таъминлаш мақсадида уларнинг организмда кечаётган анча шундай биологик ва физиологик кечинмаларни билиш лозим ҳамда ушбу биологик ва физиологик ҳолатларни ҳисобга олиб бузоқларни озуклантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Амалиётда бузоқларнинг ўсиш тезлигини таъминлаш мақсадида уларга зоотехикавий талаб этиладиган озукаларни бериш лозим. Яъни бузоқнинг янги туғилганлик даврида тўйиб увуз сутини ичиши, сут бериш даврида эса 300 –350 кг ёғи олинмаган сут ва 500-600 кг ёғи олинган сут ичиши ва кейинги даврларида эса тўйимли ва сифатли озукалар билан озуклантириш талаб этилади. Ана шундагина бузоқларда ўсиш ва ривожланиш талаб даражасида бўлади, зот андозаси талабларига тўлиқ жавоб беради.

Ушбу жадвалдан кўриниб туридики бузоқларни ёшини ортиши билан уларда нисбий ўсиш пасайиб бормоқда. Ўсиш тезлигини пасайиб боришини Свечин К.Б. (1956) ни тушунтиришича ўсиш жараёни билан организмни дифференцияси ўртасида қарама – қаршилиқнинг бўлишдир. Организм ёш вақтда тез ўсиши, бу даврда дифференцияси паст бўлади. Организм қариган сари дифференциация юқори бўлиб ўсиш пасаяди.

Шундай қилиб кузатувдаги бузоқларни ўсиш ва ривожланишини анализ қилсак биринчи навбатда бузоқларни яхши тарбиялаш, ўз вақтида тўйимли озиқаларини бериш, яхши шароитда асраш каби оддий талабларни бажариб жуда юқори кўрсаткичларга эришиш мумкин. Ана шундагина уларни ўсиш ва ривожланишини таъминлаган бўламиз, ҳамда бузоқлар турли хил юқумли ва қумсиз касалликларга учрамайди ва подани тўлиқ ривожланган, экстерьериди камчилиги бўлмаган ёш хайвонлар билан тўлдирган бўламиз. Бу оддий зоотехникавий тушунча бўлиб қолмоғи лозим.


Кузатувдаги бузоқларни ўсиш тезлигини тасдиқлаш мақсадида уларни ёши бўйича тирик вазнини онасининг тирик вазнига солиштириб ўрганилган. Чунки амалиётда маълумки бузоқ қанчалик йирик туғилса, туғилгандан кейин ҳам унинг тирик вазни юқори бўлади ёки сизирларни биринчи марта туққан вақтидаги тирик вазни ҳам худди шундай муҳим аҳамиятга эга. Бузоқларни тирик вазнини онасининг тирик вазнига нисбатан фоизда ифодаланиши қуйидаги жадвал ва тасвирда келтирилган.

Жадвал 5

**Бузоқларни тирик вазнини онасининг тирик вазнига
нисбатан фоиз ҳисобида**

Ёши, ой ҳисобида	$M \pm m$
Туғилганда	$7,2 \pm 0,16$
3 ойлигида	$20,4 \pm 0,31$
6 ойлигида	$35,3 \pm 0,41$
9 ойлигида	$50,5 \pm 0,49$
12 ойлигида	$62,0 \pm 0,57$
15 ойлигида	$71,8 \pm 0,67$
18 ойлигида	$80,6 \pm 0,73$

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 9 ойликдан кейин уларнинг тирик вазни онасининг тирик вазнини деярли 50%ни ташкил этган. Демак шу ёшдан кейин уларнинг тана тузилишидаги барча кўрсаткичлар онасининг кўрсаткичларига ўхшаб кетганлиги билиниб қолди.



Тасвир 3. Бузоқларни тирик вазнини онасининг тирик вазнига нисбати, фоиз ҳисобида

2.3. Бузоқ ва урғочи таначаларни тана ўлчамлари ва индекси

Свечин К.Б.(1961) ва бошқаларни таъкидлашича ҳайвонларни ўсиш хусусиятларини тирик вазнидан ташқари тана ўлчамлари ҳам характерлаб беради. Чунки ўсиш жараёнида гавдаги барча қисмлари ҳар хил ўсади ва ривжланади. Шунинг учун фақат тирик вазнига қараб ўсиш, ривожланишини билиб бўлмайди. Экстерьерига қараб унинг конституциясини ва маҳсулот йўналишини билиш мумкин. Айрим тана ўлчамларини кам ёки юқори бўлиши ҳам қайси маҳсулот йўналишига эг эканлигини билдиради. Экстерьер ва конституциясига қараб тўғри баҳолаш наслчилик ишини ривожланишини таъминлайди. Амалиётда наслчилик ишини тўғри йўлга қўйилиши ҳайвонларни соғ ва мустаҳкам тана тузилишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Экстерьерига қараб баҳолаш шунга асосланганки организмни ички ва ташқи хусусиятлари бир-бири билан чамбарчас боғланган. Турли хил маҳсулот йўналишидаги ҳайвонлар ўзини тана тузилиши билан бир-биридан фарқ қилади.

Маълумки онтогенез даврида ҳайвонларда айрим тана ўлчамлари ҳар хилда ўсади. Қорамолларда эмбрион даврида скелетнинг айрим қисмлари тез ривожланади, туғилишига яқин қолганда баландлик (бўйи) тана ўлчамлари тез ўсиб, туғилгандан кейин ушбу тана ўлчамлари секин ўсади, айниқса энига нисбатан.

Ёшини ошиши билан тана ўлчамлари бир-бирига нисбатан ўзгариб ҳайвонни гавда шаклига таъсир кўрсатади. Ана шуларга асосланиб кузатувдаги бузоқларни 18 ойлигигача 7 та тана ўлчами ўлчаниб ўрганилди.

Бузоқ ва урғочи таналарни ёши бўйича тана ўлчамлари, см

Ўлчамлари	1 ой	6 ой	12 ой	18 ой
	M±m	M±m	M±m	M±m
Яғрин баландлиги	77,6±0,41	90,6±0,70	105,5±0,81	120,2±0,93
Думғаза баландлиги	79,6±0,48	95,1±0,77	113,8±0,87	127,1±0,77
Кўкрак чуқурлиги	32,0±0,21	39,6±0,28	51,7±0,41	56,2±0,55
Кўкрак кенглиги	20,5±0,15	26,2±0,75	35,1±0,29	37,8±0,34
Чўққилар кенглиги	16,7±0,13	19,9±0,21	27,5±0,31	32,0±0,39
Гавдани қия узунлиги	74,6±0,48	99,6±0,71	115,6±0,81	133,9±0,97
Кўкрак айланаси	90,1±0,69	113,6±0,81	144,9±0,87	159,8±0,23
Бошини узунлиги	23,5±0,12	32,1±0,15	38,2±0,17	43,2±0,25
Поча айланаси	12,1±0,08	14,6±0,09	16,2±0,10	18,6±0,17

Тана тузилишини умумий кўринишига тўлиқ тавсифнома бериш учун кузатувдаги молларни индексларини ҳисоблаб топиш мақсадга мувофиқдир.

Индекс деб бир тана ўлчамини иккинчи бир тана ўлчамига бўлган нисбатини фоизда ифодаланишига айтилади. Маълумки ҳайвонларни фақат тана ўлчамларига қараб уларнинг қандай ўсган ва ривожланганлигини тўлиқ билиб бўлмайди. Шунинг учун амалиётда кўп қўлланиладиган тана индексини ҳисоблаб топиш муҳим аҳамиятга эга.

$$\text{Узуноёқлилик} = \frac{\text{яғрин баландлиги} - \text{кўкрак чуқурлиги}}{\text{яғрин баландлиги}} \cdot 100$$

$$\text{Чўзилувчанлик} = \frac{\text{гавдани қия узунлиги}}{\text{яғрин баландлиги}} \cdot 100$$

$$\text{Ихчамлик} = \frac{\text{кўкрак айланаси}}{\text{гавдани қияузунлиги}} \cdot 100$$

$$\text{Кўкрак} = \frac{\text{кўкрак кенглиги}}{\text{кўкрак чуқурлиги}} \cdot 100$$

$$\text{Тос кўкрак} = \frac{\text{кўкрак кенглиги}}{\text{чўқилар кенглиги}} \cdot 100$$

$$\text{Суяқдорлик} = \frac{\text{поча айланаси}}{\text{яғрин баландлиги}} \cdot 100$$

Уларнинг индекслари қуйидаги жадвалда келтирилган

Кузатувдаги бузоқларни тана тузилиш индекси, %

Индекси	Ёши. Ой ҳисобида			
	1	6	12	18
Кўкрак	64,0	66,1	67,8	64,5
Суякдорлик	15,5	15,6	14,9	14,7
Тос-кўкрак	122,3	131,7	127,5	108,8
Узуноёқлилик	58,7	56,2	51,0	48,7
Зичлик	120,8	113,6	125,3	120,6
Чўзилувчанлик	96,1	109,9	113,6	112,4
Кенг гавдалик	408,5	400,8	353,2	304,2

Ушбу жадвалдан маълум бўлдики Қизил чўл зотли бузоқ ва урғочи таналарнинг гавдаси танасига нисбатан мутаносиб жойлашган. Яъни улар кўкраги кенг ва чуқур, гавдаси чўзиқ, суяклари мустаҳкам бўлиб шу зот йўналишига эгадир. Ушбу тана ўлчами ва тана индексларидан маълум бўлдики, агарда бузоқларни ёшлик даврида рацион асосида тўйимли озукалар билан озуклантирилиб ўстирилса уларнинг гавдаси тўлишган, мускуллари ривожланган ва суяклари ҳам мустаҳкам бўлиб ўсар экан. Бу эса хўжаликда келгусида мақсадга мувофиқ юқори маҳсулдорли подалар гуруҳини яратишда мустаҳкам замин яратилар экан.

2.4. Бузоқ ва урғочи таналарни физиологик кўрсаткичлари

Маълумки ҳайвон организми доимо ташқи таъсиротлар таъсирада бўлади. Уларнинг қонини гематологик кўрсаткичларига ҳаво ҳарорати ва бошқа иқлим омиллари (масалан ҳаво намлигининг ҳаддан ташқари юқори паст бўлиши) таъсир кўрсатади. Ўрта Осиё шароитида ҳайвонларни физиологик ҳолатига организмни ҳаддан ташқари исиб кетиши натижасида иссиқ иқлим шароитига мослашган молларда маҳсулдорлик ва пуштдорлик

функцияларини пасайиб кетишига олиб келади. Амалиётда ҳайвонларни физиологик кўрсаткичларини ўрганиш бу касалликларни олдини олишда тўда муҳим аҳамият касб этади. Натижада ҳайвонларни хўжаликда фойдаланиланиш уларни сақлаш ва озиклантиришнинг ҳайвон ҳаётида қандай кечаётганлигини билиш мумкин. Шунинг ҳайвонларни янги шароитга мослашиш даражасини билиш бу организмда кесаётган кечинмаларни аниқлаш асосий критерий бўлиб ҳисобланади.

Ҳайвонларни физиологик кўрсаткичларини билиш, уларни ўзгаришига таъсир этувчи омиллар, айниқса организмдаги модда алмашинув жараёнларини аниқлашда, умуман ҳайвон соғлигини билишда жуда муҳимдир.

Дюрст У. (1936) нинг аниқлашича физиологик кўрсаткичлар ўзгарувчан бўлиб, у ҳайвон ёшига, жинсига, йилнинг фаслларига, озиклантиришга, куннинг вақтига, ташқи муҳитга, ҳайвонни семизлик даражасига, асраш усуллари ва бошқа омилларга боғлиқдир.

Ҳайвонни юрак уришига қараб, организмнинг умумий ҳолати қай ҳолатда эканлигини билиш мумкин.

Шохор И.И. (1982) нинг маълум қилишича ҳайвонни юрак уриши бир бир дақиқада 60-80 марта бўлиши нормада деб ҳисобланади. Емельянов А.С. (1948) нинг аниқлашича бир дақиқада ҳайвон юраги 97 марта урса нормал ҳисобланади. Лекин ушбу муаллиф ҳайвоннинг маҳсулдорлигини, ёшини ёки бошқа кўрсаткичларини ҳисобга олмаган.

Яна бир энг муҳим физиологик кўрсаткичлардан бири бир дақиқада нафас олишни неча мартагача бўлишидир.

Кудрявцев А.А. (1949) маълумотича қорамолларда бир дақиқада нафас олиш 28-44 марта, Емельянов А.С. (1948) нинг маълумотича 18-26 марта бўлади.

Барча ҳайвонларда тана ҳарорати организмни ҳаётчанлиги даврида орган ва тўқималарга ҳарорати бериб туриш ва доимийлигини марказий нерв системаси орқали боғланиб бошқарилиб турилади. Тана ҳароратини юқори

бўлиши организмда модда алмашинувини бузилиши ёки орган ва тўқималарда биронта жараёни нотўғри кечаётганлигидан далолатдир.

Қорамолларда тана ҳарорати $37,5^{\circ}\text{C}$ бўлса физиологик нормада ҳисобланади. Тана ҳарорати ҳаво ҳароратига, ҳайвон жинсига, ёшига, маҳсулдорлигига ва бошқаларга боғлиқ эмас. Бунга кўпгина олимлар ҳайвоннинг ёши, озикланиши, буғозлик даври, соғим даври, ташқи муҳит ва бошқа омиллар таъсир этади деб ўз ишларида кўрсатиб ўтадилар.

Шуларни ҳисобга олиб қорамолларни тана ҳарорат нормада $37,5-39,5^{\circ}\text{C}$ гача ўзгариб туради.

Шилов А.А. нинг айтишича қорамолларнинг тана ҳарорати нормада $38,2-40^{\circ}\text{C}$ гача ўзгариб туради.

Викторов К.Р. нинг (1939) маълумотича қорамолларда тана ҳарорати нормада $37,5-39,5^{\circ}\text{C}$ бўлади.

Е.А.Арзуманян (1950) нинг фикрича қорамолларнинг физиологик кўрсаткичлари уларнинг тирик вазни билан унчалик боғлиқ эмас ёки семизлик даражаси билан ҳам унчалик боғлиқ эмас деб ҳисоблайди. Семизлиги ўртадан паст бўлган молларда юрак уриши ва нафас олиши семизлик даражаси олий даражада бўлганларига нисбатан паст бўлади. Якушев В.И. (1953) нинг фикрича қорамолларнинг ўртача суткалик тана ҳарорати $0,7^{\circ}\text{C}$ дан кўп миқдорда фарқ бўлмайди деб исботлашади.

Кузатувдаги бузоқ ва урғочи таналарнинг тана ҳарорати, юрак уриши ва нафас олишини ёши бўйича 1,6,12,18 ойлигида ўрганилиб чиқилиб улар тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Физиологик кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	Суткалик вақти	1 ойда (июл)	6 ойда (январ)	12 ойда (июл)	18 ойда (январ)
Тана ҳарорати °С	эрталаб	38,5	38,6	38,8	38,7
	куннинг ярмида	38,7	38,8	38,9	38,8
Юрак уриши бир дақиқада	эрталаб	84	73	86	77
	куннинг ярмида	87	74	88	79
Нафас олиши бир дақиқада	эрталаб	30	22	39	34
	куннинг ярмида	33	24	42	36

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики тана ҳарорати бўйича ҳайвон ёшини ўзгариши билан фарқ унчалик кузатилмайди. Юрак уриши эса ёшини ўзгариши ва йил фаслига қараб турлича бўлди. Бир ойлик бузоқларда юрак уриши бир дақиқада эрталаб 84 марта бўлса, 6 ойликда 73 мартага тушган. Чунки қиш ойига тўғри келган ёки 9 мартага (13,1%) камайган. 12 ойлигида эса 86 марта бўлган. 6 ойликга нисбатан 13 марта (17,8%) кўп бўлган. Чунки энг иссиқ пайтга тўғри келган.

Худди шундай кўрсаткич бир дақиқада нафас олиш жараёнида ҳам кўриш мумкин. Бир ойликда эрталаб 30 марта нафас олган бўлса, 6 ойликда қиш пайтида 22 мартага тушган ёки 8 марта паст бўлган (16,9%). 12 ойликда эса ёз пайтида 39 мартага кўтарилган ёки 17 марта кўп бўлган (77,3%).

Бу албатта ҳаво ҳарорати билан ҳам боғлиқдир. 18 ойликда эса 5 мартага пасайган.

Демак тана ҳарорати ҳайвон ёши ва ҳаво ҳароратига боғлиқ эмас экан. Лекин юрак уриши ва нафас олиши ҳайвоннинг ёши ва ҳаво ҳароратига боғлиқ экан.

Мана шундай физиологик кўрсаткичларни Ўзбекистонда маҳаллий зебусимон молларни швиц зоти билан дурагайлариани Н.А.Мавлонов (1966)

аниқлаган. Ушбу олимнинг фикрича дурагайлар куруқ, иссиқ иқлим шароитига юқори даражада мослашганлигини эътироф этган. Юқори ҳаво ҳароратида нафас олишнинг тезлашуви организмнинг мосланувчанлик реакциясининг битта формаси ҳисобланади.

Раушенбах Ю.П. (1953) ўзининг илмий-тадқиқот ишларида аниқлашича Ўзбекистондаги маҳаллий молларни юқори ҳаво ҳароратига чидамлилиги теридан терни жуда кўп чиқиши ва нафас олишнинг тез-тез бўлишидир. Шунда жадал иссиқлик бериш таъминланади. Нафас олиш йўлининг юқори қисмида намлик парланади. Тез-тез нафас олиш нафас чиқариш ҳажмини 25-30% гача қисқартиради.

Четдан келтирилаётган Голштин зотли қорамоллар ва бошқа зотлар тез-тез нафас олсада нафас чиқариш ҳажмли ўпкада қолади ва натижада ўпкадаги ҳаво миқдори ошади. Тер ажралиб чиқиш иссиқ шароитда маҳаллий молларда 65-70% гача кўтарилади. Бу уларда тер безларининг миқдорини яхши ривожланганлиги билан боғлиқдир, тер ажралиб чиқиш меъёри яхши даражада.

Шунинг учун маҳаллий молларда иссиқлик алмашинувининг юқори бўлиши натижасида организмда терлаш ҳолатлари кузатилмайди. А.А.Атбашьян (1968) Бушуев ва қора ола зотли молларни физиологик кўрсаткичларини ўрганиб хулоса қиладики оқ жун қоплами пигмент билан бирга қўшилиб бушуев зотли молларни иссиқга чидамлилигини 2 марта оширади, қуёш нури ютилмайди, теридаги оқ пигмент орқали терига иссиқлик бериш енгиллашади. Шунинг учун организмга кираётган ва чиқаётган иссиқлик меъёрида бўлади. Ушбу илмий тадқиқот ишларни Е.А.Арзуманян ҳам ўз ишларида исботлаб бериб, терининг ранги ва туси молни ташқи шароитга мосланувчанлигини белгилайдиган белги деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб молларнинг юрак уришини 60-80 марта бўлиши ва нафас олишининг 20-40 марта бўлиши организмни кўп ёки кам зўр бериб ишлаши маълум миқдорда маҳсулот беришини таъминлайди.

Тана ҳароратини, юрак уришини ва нафас олишини доимий равишда аниқлаб туриш, молнинг соғлигини билишга ва юқори миқдорда маҳсулот олишга замин яратилган бўлади.

3. Соғлом бузоқ олиш учун қўйиладиган талабалар

Соғлом бузоқ олиш учун бўғоз сигирларни со ғим даврини 8-9 ойларида соғиш тўхтатилиб, то туққунча тўйимли озиқалар билан боқиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун сигирлар туғилишига 2 ой қолганда сутдан чиқарилиши шарт.

Сигирлар сутдан чиқан даврда аввало бачадондаги эмбрион нормал ривожланиши кузатилса, сигир организмида қўплаб витаминлар, минерал тузларнинг эритмалари ва турли хилдаги озиқ моддалар тўпланади. Бу моддалар эмбрионнинг яхши зсиши ва ривожланиши учун сарфланади. Сутдан чиққан сигирлар елинининг ҳолати назорат қилиб турилади. Бордию шамоллаш ёки механик жароҳатланиш бўлса, шунингдек шиш ҳосил бўлса имкони борица елинда тўпланиб қолган сут соғиб ташланади. Сутдан чиққан сигирларга серсув озиқалар (силос, лавлаги) олиб ташаланади. Сигирларга бўғозликни охирги даврларида беда пичани ва беда уни рационнинг 25-35%, сенаж ва силос 25-30%, омихта ем 25-30% ташкил этиши керак.

Шунингдек ҳар 1 кг озиқа бирлигига 100-120 грамм ҳазм бўлувчи протеин 100-110 грамм углевод, 7-9 грамм кальций, 5 грамм фосфор ва 40-50 миллиграмм каратин бўлиши талаб этилади.

Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институти олимлари томонидан профессор Ш.А.Акмальханов раҳбарлигида ишлаб чиқилган тавсия асосида сут маҳсулдорлиги ўртача бўлган сигирларнинг озиқ нормаси улардан суткасига 2-3 кг, серсут сигирлардан эса 3-5 кг қўшимча сут олинадиган қилиб белгиланди. Бўғоз сигирлар рацион олиш лозим. Қиш ойларида музлаган озиқ ва сув берилмаслиги керак. Совуқ кунларда сув +18⁰с бўлиши зарур.

3.1. Бузоқларни боқишда қўлланиладиган ветеринария профилактик тадбирлар

Янги туғилган бузоқларнинг касалликларга чалиниши ва нобуд бўлиш сабабларини 2 та гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчиси – она қорнида эмбрионнинг етарли даражада етилмаганлиги бўлса, иккиламчи янги туғилган бузоқларни озиклантириш режими, уларни зоогигиена шароитларининг бузилиши ҳисобланади.

Ўсишдан тўхтаб қолган гипотрофик бузоқларнинг туғилиши – сигирларни тўлиқ озиклантирмаслик, буғоз сигирлар рационидида протеин, минерал озиклар, каротин ва микроэлементларнинг жуда оз миқдорда бўлишлигидир. Шунингдек, рационларда дағал, ширали ва омихта озикларнинг ўзаро нисбатига риоя қилмаслик ҳам ўз навбатида сигирларнинг овқатни ҳазм қилиши, модда алмашинувиға ҳамда эндокрин органларининг иш фаолиятиға салбий таъсир кўрсатади.

Иккинчи гуруҳга кирувчи касалликларнинг сабаблари – молларни санитария – гигиена талаби бўйича сақлаш ва уларни озиклантириш шарт-шароитларининг бузилишидан келиб чиқади.

Бу сабаблар қаториға туғдириш бўлинмасининг йўқлиги, сигирларни туғдириш қоидаларига риоя қилмаслик, бузоқларнинг катта кичиклигига қараб сақламаслик, санитария қоидаларига амал қилмаслик, бузоқларға сут ва оғиз сутини ўз вақтида бермаслик каби сабаблардир.

Бузоқларни сақлаб қолиш ва касалликнинг олдини олиш аввало эмбрионларнинг яхши ривожланишини таъминловчи шароитларни яратиш, натижада туғилган соғлом, яшашға муқобил, касалликларға чидамли ва наслға ҳар томонлама эътибор беришни талаб этади.

Бўғоз сигирларни айниқса боғлаб сақлаш жараёнида ҳаракатдан маҳрум этиш гиподинамияға олиб келади. Урғочи молни қорнидаги наслни ривожига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун, уларни кун аро 2-3 соатдан кездириб боқиш бузоқ касалликлари профилкатикасида катта

аҳамиятга эга. Ҳар бир фермада озиклантиришнинг тўла-тўқис олиб борилиши, сигирлар организмда модда алмашинуви ҳамда сақланиши тартиби устидан қатъий зооветеринария назорати ўрнатилиши лозим.

Фосфор, каротин, кальций миқдорини, кислотали – ишқор ҳолатини аниқлашда сигир қони зардоби текширилади.

Кислотали – ишқор мутаносиблиги хўжаликларда молларнинг физиологик жиҳатидан тўлақонли ва тўғри озиклантириш имконини беради.

Бузоқларда ҳали тўла ўрганилмаган ошқозон-ичак ва нафас олиш, кўриш аъзолари касалликлари нисбатан учраб туради. Бу касалликларнинг сабаблари сигирларни ҳомиладорлик даврида озиклантириш режимида риоя қилмаслик, яроқсиз ҳолдаги озикларни бериш, сигирларни сутдан чиқариш муддатларини қисқариши ва бошқалардир.

Бузоқлар касалликларининг 90-95% юқумсиз касалликларга тўғри келади. Бундан 50%и овқат ҳазм қилиш органлари хасталиклари бўлса, 35-40% нафас олиш, кўриш ва эшитиш аъзоларининг хасталикларидир.

Бузоқларнинг ошқозон-ичак тракти касалликларининг энг кўп тарқалган юқумсиз турига янги туғилган қорамоларнинг диспенцияга йўлиқишидир.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики боғламасдан боққандаги Қора-ола зотли буқаларни айрим тана ўлчамларини бир-бири билан узвий боғланганлигини кўрамиз. Улар чўзилувчан бўлиб тенгдошларига нисбатан тана индексларини юқори бўлганлиги маълум бўлди.

3.2. Молхоналардаги иқлим шароити

Ҳайвонларни соғлиги ва маҳсулдорлиги кўп жиҳатдан молхоналардаги ва бузоқхоналардаги иқлим шароитига боғлиқ. Агарда молхоналарда, умуман қишлоқ хўжалик ҳайвонлари турадиган жойларда иқлим шароити зоогигиеник нормалари бузилган бўлса сут сиқдори 10-20%, молларни ўсиши эса 20-30%, паррандаларни тухумдорлиги 30%, бузоқларни нобуд бўлиши

30% гача камайиб кетади. Бу эса ўз-ўзидан озиқани кўп сарфланишига олиб келади.

Хоналардаги микроклим деганда шу хона ичида ҳаво температураси. Нисбий намлик, ҳавони айланиш тезлиги, ёруғлик, овозлар, ҳаводаги аммиакнинг миқдори, ҳар хил газлар, чанглари ва бошқалар тушунилади.

Юқорида қайд этилган кўрсаткичлар нормадан кўп ёки оз бўлиши ҳайвон организмида бўлаётган физиологик жараёнларга салбий таъсир кўрсатади. Натижада маҳсулдорлик пасайиб, ҳайвон соғлиги ёмонлашади.

Шунинг учун биз букалар турадиган микроклимни ўрганиб чиқдик ва бу маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвал 9

Молхонадаги айрим микроклим кўрсаткичлари

Микроклим кўрсаткичлари	Молхонада		
	Эрталаб	Тушда	Кечқурун
Июль			
Ҳаво температураси, С ⁰	25	34	27
Ҳаво намлиги, %	70	80	76
Ҳавони айланиш тезлиги, м/сек	0,5	0,9	0,7
Сентябр			
Ҳаво температураси, С ⁰	21	27	26
Ҳаво намлиги, %	68	77	76
Ҳавони айланиш тезлиги, м/сек	0,4	0,8	0,6

Лойиҳа бўйича молхона ва бузоқхоналарда микроклим қуйидаги ўрнатилган. Яъни ҳаво температураси 20-25⁰С, ҳаво намлиги 75%.

Ҳар бир хонага микроиклимни нормага келтириб туриш учун вентеляция ўрнатилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қишда эса хоналар совуб кетса, трубада иссиқ сув юборилиб хона температурасини нормал ҳолатга келтириш мумкин. Юқоридаги жадвал рақамларига қараганда микроиклим нормаси айниқса ёз вақтида юқори бўлганлиги аниқланди. Июл ойида ҳаво температураси нормадан $+6+10^{\circ}\text{C}$ юқори бўлмоқда. Ҳавонинг намлиги эса 6-8% га кўп бўлмоқда.

3.3.Сутчилик комплексларида подани тўлдириш учун қолдирилган ёш молларни ўстириш хусусиятлари

Ёш молларни тўғри ўстириш юқори маҳсулдор сутчилик подаларини ташкил қилишда катта аҳамиятга эга. Илғор хўжаликлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, агар ёш бузоқлар яхши ўстирилса ва ғунажинлар ундан ҳам туғишга тўғри тайёрланса, улар йилда 4000 кг ва ундан ҳам зиёдроқ сут беради. Агар уларнинг нормаси ўсишига шароит туғдирилмаса, улардан келажакда кўп сут олиб бўлмайди. Ёш молларни тўғри ўстириш деганда шуни тушуниш керакки, парваришлаш даврида агар бузоқлар нормал ўсса, ёшига, вақтига қараб, уларнинг тирик вазни тез ошса, демак, бу бўлажак юқори маҳсулдор сигир бўлиши учун тўғри йўналишдир.

Саноат асосида сут етиштиришни тезлаштириш сигирларнинг маҳсулдорлигига катта талаблар қўяди. Сутчилик комплекслари техник-иқтисодий кўрсаткичларига кўра, у бир йилда 4000 кг дан кам бўлмаслиги лозим. Шу билан бирга, сигирлар конституцияси пишиқлиги билан ажралиб туриши, сут ҳосил қилиш учун озиқлардан яхши фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши ҳамда елини яхши ривожланган ва машинада соғишга мослашган бўлиши жуда муҳимдир. Сигирларда шу фазилатлар вужудга келишида бузоқ ва ғунажинларнинг ирсий шартига кўра, уларнинг зот сифатлари ривожланишини таъминлайдиган даражада тўғри ўстириш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Урғочи бузоқларни ўстириш улар организмини туғилишдан ва туғилгандан кейинги ҳар хил даврларда озиқлантириш шароити билан белгиланади. Шу билан бирга бузоқлар ривожланишининг ҳар бир даврида зарур озиқ ва боқиш шароитларини яратиш жуда муҳимдир.

Ёш молларнинг организми актив оксил моддаларни синтез қилиб, уларни танасида сақлаб туришга кўпроқ мослашган.

Шунга мувофиқ, сутчилик комплексидаги подани тўлдириш учун интенсив ўстрилаётган бузоқ ва ғунажинлар тирик вазнининг ортишини планлаштириш ва шунга қараб рационлар тузиш лозим.

Туғилгандан кейинги биринчи кунларда бузоқлар кўпроқ оксил ва витаминга айниқса бой бўлади. Мана шунинг учун бузоқларни ўстиришни ихтисослаштиришнинг ҳар қандай усулида ҳам уларга биринчи кунлари оғиз сути бериш жуда зарур, чунки у бузоқлар учун ўта қимматли озиқҳисобланади. Оғиз сути – бузоқларнинг плацентар озиқланишидан туғилгандан кейинги сут билан озиқланишга ўтиш озиқасидир. Унда бузоққа дастлабки соат ва кунларда зарур бўлган ҳамма озиқ моддалар бор. Оғиз сутида оддий сутга қараганда, глобулин, яъни янги туғилган бузоқлар организмининг ҳимоя қилиш қобилиятини оширадиган иммун жисмлар ва антитоксинлар кўп бўлади. У оксил ва минерал моддаларга бой, оддий сутга қараганда микроэлементлар ва витаминлар кўп, кислоталилиги бир оз юқори.

Оғиз сути бузоқларга бевосита сигирдан соғиб ичирилади. У фақат 7-10 кундан сўнг ўзига хос хусусиятларини йўқотади ва шундан кейин бузоқларни оддий сутга ўтказиш мумкин. Шу вақтдан бошлаб бузоқлар профилакторийдан алоҳида фермага ёки ихтисослаштирилган хўжаликка ўтказилади.

Бир ойлик бўлган бузоқлар кўп бўлмали ошқозоннинг ширдон бўлими бошқа бўлимларга қараганда кўпроқ ривожланган ва яхши ишлайди. Бу даврда бузоқларга сут кам порциялар билан ичирилади. У оғиз бўшлиғидан қизилўнгач ва унинг тарнови орқали ширдонга тушиб, аввало ширдон ферментининг таъсирида сузмага айланади, сўнгра ҳазм бўлади. Сут секин-

аста ичирилганда бузоқда зарур миқдорда сўлак ва меъда шираси ажралиб уни енгил ҳазм бўладиган ҳолатга айлантириди ва ошқозонда ичакка ўтади.

Агар бузоқларга нормадан кўп сут берилса (сут челақда ичирилса) ҳамда концентратлар вақтидан илгари едирилса, сутнинг нормал ҳазм бўлиши бузилади. Сутнинг катта порциясини ютишда у ширдонда тўхтамасдан қисман ошқозон олдидаги ҳали яхши ривожланмаган сиқма ва катқоринга тушади. Бу ерда сут ва концентратлар тўхталиб қолади ва ачийди. Натижада овқат ҳазм қилиш процесслари бузилади ва бузоқларга сут ичириш тартибига қатъий амал қилиш ва уларни аста – секин пичан, ҳар хил ўтлар ва концентратларга ўргатиш керак.

Хўжалик фермаларида туғруқхоналар ташкил қилиб, уларда янги туққан сигирларни асраш ва боқиш тартибини тўғри олиб бориб, моллардан юқори сифатли сут соғиб олиш ва уни янги туғилган бузоқларга ичириш лозим.

Бузоқларни алоҳида фермага ёки подани тўлдирадиган молларни ўстиришга ихтисослашган хўжаликларга чиқаришдан олдин, профилакторийда турган вақтида яхши боқиш айниқса муҳимдир. Оғиз сути бузоқларга туғилгандан бир соат ўтгач ичирилади. Бу вақтда бузоқ оёққа туради ва унда эмиш рефлекси пайдо бўлади. Соғлом, бақувват бузоқлар 1,5-2 кг гача оғиз сути ичади. Кейинги кунларда унинг миқдори бузоқнинг иштаҳасига ва соғлигига қараб оширилади. Одатда, оғиз сути сарғиш рангли бўлиб, кислота миқдори тернер шкаласи бўйича 45-50⁰ бўлади. Кислоталилиги бундан кам бўлса, бу унинг сифатсизлигини билдиради, ранги оқроқ бўлса, А витамин миқдори кам бўлади.

Сутчилик комплексларида бузоқлар туғилган заҳоти профилакторийга ўтказилиб, у ерда алоҳида катакларда сақланади ва онасининг оғиз сутидан ичирилади.

Бузоқларни узоқ вақт (2-3 ой давомида) сайр қилдирмасдан катакларда сақлашга баъзи мутахассислар қаршилик кўрсатадилар, бунинг учун асос бор, чунки ёш организмнинг яхши ўсиши учун туғилган кунидан бошлаб

ҳаракат қилиши керак. Аммо йирик ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш шароитида одатдагича тарбиялаб етиштириш усуллари янги технология ва ветеринария шароитларига қараб ўзгаритиришга тўғри келади.

Бузоқларни саноат комплекси шароитида янги катакларда ўстириш тажрибалари шуни тасдиқладики, бундай катакларни барча сутчилик совхозларининг профилакторийларида ўрнатиб, уларда бузоқларни ихтисослаштирилган сутчилик хўжаликларига юборгунга қадар шундай катакларда ўстиришни таъминлаш керак: бу ерда бузоқлар 2 ойлик бўлгунча катакларда, кейин эса группа қилиб станокларда боқилади, уларда ҳар бир бузоқда 6 ойликкача $1,2\text{м}^3$ ва 6 ойдан 12 ойликкача $2,5\text{-}3\text{м}^3$ ҳисобидан жой олиши керак.

Биноларда зарур даражадаги микроиклим бўлиши зарур. Туғруқхонада, профилакторийда ва профилакторийдан кейин ёш моллар боқиладиган биноларда энг қулай температура 10^0 атрофида, намлик 70%, ҳаво таркибида карбонот ангидрид миқдори 0,25% дан, водород сульфид 0,001% дан ошмаслиги; ёруғлик коэффиценти 1:10-15 бўлиши керак.

Икки ойдан катта бузоқлар очик майдонларда юриши, ёзда эса уларни яйловларда боқиш тавсия қилинади. Улар учун ферма атрофида мўл ҳосил берадиган маданий яйловлар (100 бош бузоқ 6-8 га ҳисобидан) ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бундай яйловлардан загон усулида фойдаланилади, бунда 3-6 ойликкача бўлган бузоқлар учун яйлов 6-8 загонга, 6-9 ойликкача бўлган моллар учун эса 8-10 загонга бўлинади. Бузоқлар 3 ойлик бўлгандан кейин яйловга чиқариш тавсия қилинади.

Бузоқлар группа қилиб бошвоқсиз боқилганда, уларга 6 ойликкача суткасига 750-800 г дан семиришга мўлжалланган норма асосида озиқ берилади. 6-9 ойликкача боғламай боқиладиган бузоқларга асосан пичан, сенаж ва силос ва қўшимча равишда концентратлар бериб, уларнинг бир суткада 600-700 г семиришини таъминлаш зарур. Бу даврда бузоқларнинг рационни тўйимли моддаларга бой бўлиши ва унинг таркибидаги қишда яхшт пичан, ёзда эса кўкат, шу жумладан, яйлов озиғи бўлиши керак.

9 ойликдан катта бузоқлар биноларда боғламасдан, ёшига қараб группалаб боқилади: 9-12 ойлик; 13-15 ойлик; 16-18 ойлик; 19-24 ойликкача бўлган ғунажинлар группаси алоҳида боқилади. 15 ойликдан кейин рацион бузоқлар кунига 500-600 г дан семирадиган қилиб тузилади.

Бузоқларни ўстириш технологиясида уларга сут ичириш схемасининг энг яхшисини танлаш ҳамда сут ичадиган ва ундан кейинги даврда озиқларни танлаш катта аҳамиятга эгадир.

6 ойликкача бўлган бузоқларни боқиш схемасини танлаш уларни нима мақсадда ўстиришга ва хўжаликнинг конкрет шароитига боғлиқ. Подани тўлдириш учун боқиладиган бузоқларга 6 ойлик бўлгунга қадар тахминан 600 озиқ бирлиги сарфланади. Бу даврда уларга 180-350 кг ёғи олинмаган ва 200-600 кг ёғи олинган сут, 170-225 кг концентратлар, 400 кг гача силос, 160-210 кг илдизмевали озиқлар ва 250 кг гача пичан керак бўлади. Шу билан бирга рационнинг тузилиши озиқларнинг мавжудлигига ва бузоқхонада уларни тарқатишни механизациялаш усулига қараб ўзгаради.

Бузоқлар сут ва ёғи олинган сут билан (қабул қилинган нормага ва нима мақсадда боқилишига қараб) 3-5 ой давомида боқилади. Агар схемада 180-200 кг сут сарфлаш кўзда тутилган бўлса, уни дастлабки 50-60 кун давомида ичирилади. Шу давр ичида норма асосида озиқлантирилганда, молларнинг зот хусусиятлари, наслдорлик қиммати ва қайси йўналишда ўстирилаётганлиги ҳамда туғилиш мавсуми. Хўжалик шароитлари, шунингдек, бузоқларни ўстириш плани ҳисобга олинади. Ёғи олинмаган сутни тежаш мақсадида сут ўрнига ишлатиладиган озиқ (ЗЦМ) дан фойдаланилади. Унинг таркибига аъло сифатли маҳсулотлар – ёғи олинган қуруқ сут, ҳайвон ва ўсимлик ёғлари, витаминлар ҳамда макро ва микроэлементлар, антиоксидантлар, эмульгаторлар, шунингдек, мазали қўшилмалар киради. Сут ўрнига ишлатиладиган озиқ ишлаб чиқариш сутчилик саноат корхоналарида иккита рецептга асосан йўлга қўйилган: биринчиси ГОСТ 4917-71, бу 6 та компонентдан (1 кг талқонда 2,3 озиқ

бирлиги бор), иккинчиси ТУ 49181-71 (регенерирланган сут), бу 34 та компонент (1 кг талқонда 2,2 озик бирлиги бор) дан ташкил топган.

Сут ўрнида ишлатиладиган озик хўжаликларга талқон сифатида берилади. Бузоқларга беришдан олдин, инструкцияга асосан, сув қўшиб суюлтирилади (тикланади). У бузоқларга 11-кундан бошлаб (туғилгандан кейин) челақларда, охурларда ёки механик сув ичиргичларда ичирилади.

Концентрат ўрнида ҳар хил группаларга мослаб чиқарилган омихта емлардан фойдаланилади. Масалан, 3 ойлик бузоқларга таркибига ҳайвонот маҳсулотлари қўшилган аралаш ем берилади (КР-1 рецепти). Бундан кейин К-62-2 рецепти тайёрланган аралаш емдан фойдаланилади.

2 ҳафталик бузоқларга юқори сифатли пичан бера бошлаш керак. Пичан ва концентрат озиклар ейишга уларни иложи борица эртароқ ўргатиш лозим. Бузоқларни батамом ўсимликлардан тайёрланган озикларга ўтказишнинг дастлабки даврида (2 ойликдан 6 ойликкача) концентратлар юқори сифатли бўлиши жуда катта аҳамиятга эга.

Бузоқларни 6 ойдан 14 ойгача ўстириш даври ички органларининг, мускул ва суяк тўқималарининг жадал ўсиш даврига тўғри келади. Бу даврда тўйимли озиклар билан озиклантириш тўғри ташкил этилса, моллар бақувват, яхши ривожланган, серсут типда ўсади. 10 ойлик бузоқларнинг рационни аста-секин катта молларнинг рационига тенглаштирилади.

Жадаллик билан ўстиришда бузоқларни шундай озиклантириш керакки, бунда уларнинг тирик вазни 1 ёшга етганда туғилгандагига қараганда 7,5-8 баравар ошсин, 18 ойлик молларнинг вазни катта сигирлар вазнининг 60-70% га тенг ёки 350-380 кг бўлиши керак. Молларнинг тирик вазнини 1 кг га ошириш учун, баланслаштириб озиклантирилганда озик қуйидагича: 1 ойдан 3 ойгача 3,5-4 озик бирлиги, 4 ойдан 6 ойгача 5-6,7 ойдан 9 ойгача 7-8, 10 ойдан 12 ойгача 8-9 ва 13 ойдан 18 ойгача 10-11 озик бирлиги сарфланади.

Подани тўлдириш учун ўстириладиган урғочи бузоқларни 5-6 ойликдан бошлаб ўз хўжалигида ихтисослашган фермада ёки подани тўлдириш учун

колдирилган ёш молларни ўстирадиган саноат комплексларида боқиш лозим. Бундай моллар бир хил группа қилиб жойлаштирилади, уларга ёшигава суткалик тирик вазнининг план бўйича ўсишига қараб озиқ берилади. Бузоқлар рациона шундай ҳисобланиши керакки, моллар шу асосда боқилганда улардан тирик вазни 500-550 кг ли зотли сигирлар ва 600-650 кг ли сут-гўшт берадиган сигирлар етишиши керак. Бунда бузоқларнинг ўсиш даврига қараб озиқ моддалар сарфи дифференцияланади.

Жадвал 10

Урғочи бузоқлар ва ғунажинларнинг ўсиш даврига қараб озиқ беришнинг тахминий нормалари

Ёши (ой)	Даврнинг охиридаги тирик вазни (кг)	Суткада ўртача тирик вазнининг ўсиши (кг)	Суткада бир молга талаб қилинади					
			Озиқ бирлиги (кг)	Ҳазм бўладиган ташвиқот (г)	Кальций (г)	Фосфор (г)	Каротин (мг)	Ош тузи (г)
Сигирларнинг пландаги тирик вазни 600-650 кг								
0-2	81	600	2,5	290	17,5	12,5	45	7,5
2-6	170	642	3,6	448	30	20	90	20
6-14	332	673	5,1	560	45	28	160	30
20-24	494	500	70	700	70	50	240	55
Сигирларнинг пландаги тирик вазни 500-550 кг								
0-2	72	533	2,4	373	12,5	7,5	40	7,5
2-6	150	650	3,3	400	25	18	80	15
6-14	289	580	4,3	460	40	25	140	25
14-20	369	445	5,5	550	50	30	180	40
20-24	425	467	6,3	630	50	30	210	50

Ҳамма моллар ихтисослаштирилган хўжаликнинг ўзида етиштирилган ем-хашак билан тўлиқ таъминланиши керак. Концентратлар ва ёғи олинмаган сут ўрнида ишлатиладиган озиқ бундан истисно бўлиши мумкин.

Бузоқлар рациона тирик вазнининг ҳар 15 кунда аниқланиб борилади. Бузоқларнинг ёшига қараб, рационнинг умумий тўйимлилиги 4 дан 7 озиқ бирлигигача ўзгариши мумкин, бунда 1 озиқ бирлигига 6 ойлик бузоққа 115 г хазм бўладиган протеин, 7-9 ойликкача 100 г, 10-15 ойлигида 105 г, 15 ойдан ошганларига 100 г бўлиши лозим, шунингдек, рационлар таркиби кальций, фосфор, натрий ва хлор бўйича ҳам балансланган бўлиши лозим. Одатда, бу моддалар омехта емлар таркибида бўлиб, уларнинг миқдори тегишли рецептларда кўрсатилади. Молларни тўла қимматли озиқлантиришда озиқлар (пичан, сенаж, силос) даги каротиннинг миқдори муҳим аҳамиятга эга. 12 ойлик бузоқларнинг ҳар 100 кг тирик вазнига рацион таркибида 70-80 мг каротин, ундан катта ёшдагиларга эса 50-60 мг бўлиши керак. Хўжаликнинг шароитига қараб, подани тўлдириш учун боқиладиган молларни озиқлантиришни у ёки бу усули қўлланилади. Бунда фақат юқори сифатли ширали ва дағал хашаклардан фойдаланилади. Урғочи бузоқ ва ғунажинларни боқиш тартибини ҳал этишда уларни даврлар бўйича ўсиш тезлиги, ёш организмнинг пластиклиги ва вақтинча ўсишдан қолса, унга жадал етиб олиш қобилияти эътиборга олинади. Сермахсул молларни ўстириш учун ёш молларни фақатгина тўла қимматли озиқлантириш, рационга етарли миқдорда пичан, ширали ва кўкат озиқлар киритибгина қолмай, балки актив сайр қилдириш, молларни қочиришга тайёрлаш, бўғозлигининг иккинчи давридан бошлаб массаж қилиш йўли билан ғунажинларнинг елинини шакллантириш ва уларни туғишга тайёрлаш ҳам жуда муҳимдир.

Хулоса

Қизил чўл зотли бузоқларни 18 ойликгача ўстирганда уларнинг ўсишини таҳлил қилиб қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин.

1. Қизил чўл зотли бузоқларни туғилгандаги тирик вазни 30,8 кг бўлиб 18 ойлигида 322,4 кг ни ташкил этди ва 291,6 кг қўшимча вазн олинди.

2. Бузоқларни туғилгандан то 18 ойгача ўстирганда суткалик ўсиши 533 граммни ташкил этди. Суткалик ўсишнинг энг кўп миқдори 3 ойликдан 6 ойликгача тўғри келди (701 грамм).

3. Бузоқларни 1 кг ўсиши учун 9,51 кг озиқа бирлиги сарфланди. Бир бош бузоққа 18 ой мобайнида 2774,1 кг озиқа бирлиги сарфланган.

4. Бузоқларни тана ўлчамлари ва индекслари бўйича улар бўйчан, ихчам ва чўзилувчан бўлган.

5. Бузоқхоналардаги микроклим кўрсаткичлари нормада бўлиши маҳсулот ишлаб чиқаришни юқори бўлишини таъминлаш мумкинлиги исботлаб берилган.

6. Ветеринария ва профилактика тадбирлари ишлаб чиқилган тақдирдагина бузоқларда паратиф, колибактериоз, диспепсия ва бошқа касалликлар олди олинади.

Амалий таклифлар

1. Бузоқларни туғилганидан бошлаб зоотехникавий ва ветеринария қонун-қоидаларига риоя қилган ҳолда, ёшини ўзгариши бўйича рацион асосида озиқлантириб, тоза ҳолда асраб ўстирилса, уларни суткалик ўсиш тезлиги таъминланади, соғлом бўлади, озиқа яхши ҳазм бўлади ва озиқа сарфи тежам бўлади.

2. Бузоқхоналардаги микроклим нормал бўлишини таъминлаш учун гўнглари ўз вақтида чиқариш лозим ва бузоқхоналарга қўшимча вентеляция ўрнатиш тавсия этилади. Бу эса бузоқхонадаги турли хил газларни (аммиак, ис газы, олтингугурт водороди) бўлмаслигини таъминлайди.

3. Бузоқбоқарларга ҳақ тўлашни фақат улардан олинган вазнга қараб иш ҳақи тўланса мақсадга мувофиқ бўлади ва молбоқарларда қизиқиш эҳтиёжи туғилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохатларни чуқурлаштириш муҳим вазифамиз. Тошкент -1999
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент 1996
3. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Тошкент 2006 йил 23 март
4. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан кўриб бўлмайдиган. Тошкент 2005
5. Акмальханов Ш., Аширов М. Бузоқ ва ғуножинларни ўстириш технологияси. Тошкент Меҳнат 1986. 126 бет
6. Арзуманян Е.А. Скотоводство М.Колос. 1984 –с-85
7. Борисенко Е.Я. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш. М.Колос 1967. 462 бет
8. Всяких А.С. Саноат асосида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш. Тошкент. Ўқитувчи, 1983.431 бет
9. Востриков Е.К. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини селекция ва генетикасида биометрия М.Колос, 1970-423 бет
10. Дустматов Т.Т. Продуктивность коров красной степной породы в молочных комплексах при разных способах содержания в условиях жаркого климата. Канд.дисс.Ташкент 1983. 20 с.
11. Мовлонов Н.А. Ўзбекистонда қорамолчилиқ Тошкент Фан 1966 й 433 б
12. Меркурьева Е.К. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини селекция ва генетикасида биометрия. М. Колос, 1970-423 бет
13. Кваша В., Мамчук И. Енгил типдаги хоналарда бузоқларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш самарадорлиги. Ж. Молочное и мясное скотоводство № 8 19 с.

14. Карчевский Э.Ю. Ўзбекистонда қора-ола молларини шакллантириш усуллари ва йўллари. Автореферат д-р с-х наук П.Дубровцы. Москва вилояти 1989 51 бет
15. Икромов Т., Хидиров И. Бузоқларни боқиш Тошкент. Ўзбекистон 1984й 119 бет
16. Икромов Т.Х., Саттаров Н.Э. Умумий Зоотехния Тошкент 2002 й 156 б
17. Носиров У.Н. Қорамолчилик Тошкент 2001 й 384 бет
18. Нарзуллаев Н. Қора-ола зотли бузоқлари ва уни Шароле ва Лимузин билан дурагайларини ўсиши, ривожланиши ва гўшт маҳсулдорлиги. Канд. Диссер. Тошкент 1977 й
19. Свечин К.В. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини ўсиш ва ривожланиши. Киев. Гостиздат 1956 214 б
20. Свечин К.В. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини индивидуал ривожланиши. Киев УАСХН 1961 -406 б
21. Пономарев А.Б. Эффективность скрещивания коров красной степной породы с черно-пестрыми быками различного происхождения. Автореферат канд.дисс. Ленинград-Пушкин.1982.19 с.
22. Узоков Ш.Т. Молочная продуктивность и некоторые биологические особенности коров красной степной породы, полученных при различных методах подбора. Автореферат канд.дисс. Ташкент 1996. 26 с.
23. Хафизов И.И. Зависимость продуктивных и воспроизводительных свойств красного степного скота разных генотипов от естественных резистентности. Автореферат канд.дисс. Ташкент 2014. 18 с.